

266 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَمْ يَتَكَلَّمْ فِي الْمَهْدِ إِلَّا ثَلَاثَةٌ: عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ، وَصَاحِبُ جُرَيْجٍ، وَكَانَ جُرَيْجٌ رَجُلًا عَابِدًا، فَاتَّخَذَ صَوْمَعَةً فَكَانَ فِيهَا، فَأَتَتْهُ أُمُّهُ وَهُوَ يُصَلِّي فَقَالَتْ: يَا جُرَيْجُ، فَقَالَ: يَا رَبِّ؛ أُمِّي وَصَلَاتِي؟ فَأَقْبَلَ عَلَيَّ صَلَاتِي فَانصرفت، فلمَّا كَانَ مِنَ الْعَدِ أْتَتْهُ وَهُوَ يُصَلِّي، فَقَالَتْ: يَا جُرَيْجُ، فَقَالَ: أَيَّ رَبِّ؛ أُمِّي وَصَلَاتِي؟ فَأَقْبَلَ عَلَيَّ صَلَاتِي، فلمَّا كَانَ مِنَ الْعَدِ أْتَتْهُ وَهُوَ يُصَلِّي، فَقَالَتْ: يَا جُرَيْجُ، فَقَالَ: أَيَّ رَبِّ؛ أُمِّي وَصَلَاتِي؟ فَأَقْبَلَ عَلَيَّ صَلَاتِي، فَقَالَتْ: اللَّهُمَّ؛ لَا تُمْنِتُهُ حَتَّى يَنْظُرَ إِلَى وُجُوهِ الْمُؤْمَسَاتِ.

فَتَذَاكِرَ بَنُو إِسْرَائِيلَ جُرَيْجًا وَعِبَادَتَهُ، وَكَانَتْ امْرَأَةٌ بَغِيٌّ يُمْتَلُّ بِحُسْنِهَا، فَقَالَتْ: إِنَّ شَيْئًا لَأَفْتِنْتُهُ، فَمَعَرَّضْتُ لَهُ، فَلَمْ يَلْتَمِثْ إِلَيْهَا، فَأَتَتْ رَاعِيًا كَانَ يَأْوِي إِلَى صَوْمَعَتِهِ، فَأَمَكْنَتْهُ مِنْ نَفْسِهَا فَوَقَعَ عَلَيْهَا، فَحَمَلَتْ، فَلَمَّا وَلَدَتْ قَالَتْ: هُوَ مِنْ جُرَيْجٍ، فَأَتَتْهُ فَاسْتَنْزَلُوهُ وَهَدَمُوا صَوْمَعَتَهُ، وَجَعَلُوا يَضْرِبُونَهُ، فَقَالَ: مَا شَأْنُكُمْ؟ قَالُوا: زَنَيْتِ بِهَذِهِ الْبَغِيِّ فَوَلَدْتَ مِنْكَ. قَالَ: أَيْنَ الصَّبِيِّ؟ فَجَاؤُوا بِهِ، فَقَالَ: دَعُونِي حَتَّى أَصَلِّيَ فَصَلَّى، فَلَمَّا انصرفت أَتَى الصَّبِيَّ فَطَعَنَ فِي بَطْنِهِ وَقَالَ: يَا عَلَامُ مَنْ أَبُوكَ؟ قَالَ: فُلَانُ الرَّاعِي، فَأَقْبَلُوا عَلَيَّ جُرَيْجٍ يُقْبَلُونَهُ وَيَتَمَسَّحُونَ بِهِ وَقَالُوا: تَبْنِي لَكَ صَوْمَعَتَكَ مِنْ ذَهَبٍ، قَالَ: لَا، أَعِيدُوهَا مِنْ طِينٍ كَمَا كَانَتْ، فَمَعَلُوا.

وَبَيْنَمَا صَبِيٌّ يَرْضَعُ مِنْ أُمِّهِ فَمَرَّ رَجُلٌ رَاكِبٌ عَلَى دَابَّةٍ فَارَاهُ وَشَارَهُ حَسَنَةً فَقَالَتْ أُمُّهُ: اللَّهُمَّ؛ اجْعَلْ ابْنِي مِثْلَ هَذَا، فَتَرَكَ التَّدْيَ وَأَقْبَلَ إِلَيْهِ، فَنَظَرَ إِلَيْهِ فَقَالَ: اللَّهُمَّ؛ لَا تَجْعَلْنِي مِثْلَهُ، ثُمَّ أَقْبَلَ عَلَيَّ تَدْيِهِ

فَجَعَلَ يَرْتَضِعُ» (فَكَأَنِّي أَنْظُرُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ يَحْكِي ارْتِضَاعَهُ بِأَصْبُعِهِ السَّبَّابَةَ فِي فِيهِ، فَجَعَلَ يَمُصُّهَا، ثُمَّ) قَالَ: «وَمَرُّوا بِجَارِيَةٍ وَهُمْ يَضْرِبُونَهَا، وَيَقُولُونَ: زَيْتِ سَرَفَتِ، وَهِيَ تَقُولُ: حَسْبِيَ اللَّهُ وَنِعْمَ الْكَيْلُ. فَقَالَتْ أُمُّهُ: اللَّهُمَّ لَا تَجْعَلْ ابْنِي مِثْلَهَا، فَتَرَكَ الرَّضَاعَ وَنَظَرَ إِلَيْهَا فَقَالَ: اللَّهُمَّ؛ اجْعَلْنِي مِثْلَهَا، فَهَذَاكَ تَرَاجَعَا الْحَدِيثَ، فَقَالَتْ: مَرَّ رَجُلٌ حَسَنُ الْهَيْئَةِ فَقُلْتُ: اللَّهُمَّ؛ اجْعَلْ ابْنِي مِثْلَهُ فَقُلْتُ: اللَّهُمَّ؛ لَا تَجْعَلْنِي مِثْلَهُ!! وَمَرُّوا بِهَذِهِ الْأَمَةِ وَهُمْ يَضْرِبُونَهَا وَيَقُولُونَ: زَيْتِ سَرَفَتِ، فَقُلْتُ: اللَّهُمَّ؛ لَا تَجْعَلْ ابْنِي مِثْلَهَا، فَقُلْتُ: اللَّهُمَّ؛ اجْعَلْنِي مِثْلَهَا!! قَالَ: إِنَّ ذَلِكَ الرَّجُلَ كَانَ جَبَّارًا فَقُلْتُ: اللَّهُمَّ؛ لَا تَجْعَلْنِي مِثْلَهُ، وَإِنَّ هَذِهِ يَقُولُونَ: زَيْتِ، وَلَمْ تَزِنْ، وَسَرَفَتِ، وَلَمْ تَسْرِقْ، فَقُلْتُ: اللَّهُمَّ؛ اجْعَلْنِي مِثْلَهَا». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ. [خ 3436، م 2550/8]

و«المومسات»: بِضَمِّ الْمِيمِ الْأُولَى، وَإِسْكَانِ الْوَاوِ كَسْرِ الْمِيمِ الثَّانِيَةِ وَبِالْسِينِ الْمُهْمَلَةِ وَهُنَّ: الزَّوَانِي، وَالْمُومِسَةُ: الزَّانِيَةُ. وَقَوْلُهُ: «دَابَّةٌ فَارِهَةٌ» بِالْفَاءِ؛ أَي: حَاذِقَةٌ نَفِيْسَةٌ. وَ«الشَّارَةُ» بِالشِّينِ الْمُعْجَمَةِ وَتَخْفِيفِ الرَّاءِ، وَهِيَ: الْجَمَالُ الظَّاهِرُ فِي الْهَيْئَةِ وَالْمَلْبَسِ، وَمَعْنَى: «تَرَاجَعَا الْحَدِيثَ» أَي: حَدَّثَتْ الصَّيِّ وَحَدَّثَتْهَا، وَاللَّهُ أَعْلَمُ.

266. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: «Уч кишигина бешикда туриб гапирган: Ийсо ибн Марям ва Журайж воқеасидаги бола. Журайж ибодатли киши эди. У ўзига бир ибодатхона қилиб олган эди. Ўша жойда намоз ўқиётган эди, онаси келиб, «Эй Журайж!» деди. У «Эй Роббим, онам(га жавоб берай)ми ё намозим(ни ўқийвера)ми?» деди-да, намозида давом этди. Онаси қайтиб кетди. Эртаси куни у намоз ўқиётганида яна унинг олдига келиб, «Эй Журайж!» деди. У яна: «Эй Роббим, онамми, намозимми?» деди-да, намозида давом этди. Онаси қайтиб кетди. Эртаси куни у намоз ўқиётганида яна унинг олдига келиб, «Эй Журайж!» деди. У яна:

«Роббим, онамми, намозимми?» деди-да, яна намозида давом этди. Шунда онаси: «Аллоҳим, фоҳишаларнинг бетига қарамагунича уни жонини олмагин!» деди.

Бану Исроил қавми Журайж ва унинг ибодати ҳақида гапириб юришди. Ҳусну жамоли зарбулмасал қилинадиган бир фоҳиша бор эди, ўша «Хоҳласангиз, сизлар учун мен уни фитнага солиб қўяман», деди. Аёл унга ўзини таклиф қилди, лекин у аёлга қарамади. Шунда аёл унинг ибодатхонаси ёнида ётиб юрадиган бир қўйчивоннинг олдига келиб, унга ўзини топширди. У аёл билан яқинлик қилгач, ҳомиладор бўлди. Аёл тукқач, «Бу Журайждан», деди. Одамлар унинг олдига келиб, узлатгоҳидан тортиб тушириб, уни бузиб ташлашди, ўзини эса ура бошлашди. Шунда у: «Сизларга нима бўлди?» деди. «Сен манави фоҳиша билан зино қилибсан, мана, сендан бола туғибди-ку», дейишди. У: «Қани ўша бола?» деди. Уни олиб келишди. «Мени тек қўйинглар, намоз ўқиб олай», деди-да, намоз ўқиди. Ўқиб бўлгач, боланинг олдига келиб, унинг қорнига ниқтаб, «Эй бола, сенинг отанг ким?» деган эди, у «Фалончи қўйчивон», деди. Одамлар Журайжга ёпишиб, уни ўпиб, силаб-сийпай бошлашди, «Энди ибодатхонангни тилладан қуриб берамиз», дейишди. «Йўқ, аввал қандай бўлса, шундай қилиб, лойдан қуриб беринглар!» деди. Шундай қилишди».

(Учинчиси шуки,) бир она боласини эмизаётган эди, кўриниши кўркам, чиройли отга минган бир киши ўтиб қолди. Она: «Аллоҳим, ўғлимни шунга ўхшатгин!» деди. Бола кўкракни қўйиб, унга қаради-да, «Аллоҳим, мени унга ўхшатмагин!» деди. Сўнгра яна кўкракка юзланиб, уни эма бошлади».

(Абу Ҳурайра айтади «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам боланинг эмганини айтиб бераётиб, кўрсаткич бармоқларини оғизларига солиб, уни сўра бошлаганлари ҳамон кўз олдимда»).

«Сўнг бир жорияни олиб ўтишди. Одамлар уни уришар, «Сен зино қилдинг, ўғирлик қилдинг», дейишар, у эса: «Аллоҳ менга кифоя, У қандай яхши вакил», дер эди. Шунда онаси: «Аллоҳим, ўғлимни унга ўхшатмагин!» деди. Бола эса эмишдан тўхтаб, унга қаради-да, «Аллоҳим, мени унга ўхшатгин», деди. Шунда иккови тортишиб қолишди. Аёл шундай деди: «Кўркам одам ўтганда «Аллоҳим, ўғлимни шунга ўхшатгин!» десам, «Аллоҳим, мени унга ўхшатмагин», дединг. Энди мана бу жорияни олиб ўтишди, уни уриб, «Сен зино қилдинг, ўғирлик қилдинг», дейишди. Мен: «Аллоҳим, ўғлимни унга ўхшатмагин» десам, сен: «Аллоҳим, мени унга ўхшатгин» дейсан!». Шунда бола деди: «Ўша киши мутакаббир эди. Шунинг учун «Аллоҳим, мени унга ўхшатмагин», дедим. Бу аёлга эса «Сен зино қилдинг» дейишяпти, лекин у зино қилмаган. «Ўғирлик

қилдинг» дейишяпти, лекин у ўғирлик қилмаган. Шунинг учун «Аллоҳим, мени унга ўхшатгин», дедим».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ. Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаларга мана шу воқеани ҳикоя қилиб берганлар. Бу воқеада онанинг фазли нақадар юксаклиги билинади. Бу ҳикоядан биринчи ўринда олинадиган фойда шуки, ота-онанинг фазли, айниқса онанинг даражаси ниҳоятда юксакдир. Шунинг учун машойхларимиз шундай дейдилар: «Онанинг сени бир ишга буюраётган бўлса, билгинки, Роббинг сени ибодатга чорлаётган бўлади». Оналаримиз бизга иш буюраётган бўлса, Роббимиз бизни ибодатга чорлаётган бўлар экан. Журайжнинг воқеасидан яна кўплаб фойдалар олишимиз мумкин. Жумладан, билишимиз керакки, Аллоҳ таоло Ўзининг валий бандаларини ҳам баъзан ана шундай ишлар билан синаб, яна ҳимоялаб ҳам қўяр экан. Аллоҳ таоло бешикдаги болани тилга киритиб, Журайжни ҳимоя қилиб қўйди.

Гапириш ёшидан олдин гапирган болаларнинг сони ривоятларга кўра еттитагача боради.

Бадриддин Айний роҳимаҳуллоҳга кўра, ҳадисда учта дейилишига сабаб – бу пайтда Расулуллоҳ с.а.в. бошқаларини ҳали ваҳий орқали билмаганларидан бўлиши мумкин. Чунки у зот ғайбни билмасдилар. Аллоҳ таоло билдирган нарсанигина билардилар. Ҳазрат Юсуфга гувоҳлик берган гўдак, Фиръавн оловга ташлатмоқчи бўлган аёлнинг боласи ва ҳазрат Яҳё гапириш ёшидан олдин тилга кирган болалар қаторида зикр қилинган. Қуртубий “Бу уч гўдак бешикдалигида, бошқалари эса бир оз каттароқ, аммо ҳануз гапириш ёшига кирмаган пайтларида гапирган”, дея таъвил қилган.

Ҳадисдан Журайж намозда гапиргани билинмоқда. Холбуки, гапириш намозни бузади. Олимлар масалага бундай изоҳ беришган: Эҳтимол, Журайж замонидаги шариатда намозда гапириш мумкин бўлгандир. Зеро, Исломнинг илк йилларида, тегишли оят тушгунига қадар намозда гапириш, турли ҳаракатлар қилиш мумкин бўлган. Оят тушгач, буларнинг бари тақиқланган. Шу билан бирга, Журайжнинг гапиришини ичида, ўзига сўзланиш тарзида ҳам тушуниш мумкин.

Журайж онасига жавоб бериш билан намозда давом этиш ўртасида иккиланиб, кейин намозда давом этишни танлади ва онасининг қарғишига қолди.

Баъзи олимлар ҳадисдан, бундай ҳолатда онага жавоб бериш керак, деган ҳукмни олишган. Улар: “Журайж ўқиётган намоз нафл эди, онанинг

чақириғига жавоб бериш эса вожибдир”, дейишади. Бу борада Расулulloҳ с.а.в.дан “Агар Журайж олим бўлганида, онасининг чақириғига жавоб бериш нафл намозда мумкин эканини биларди”, деган сўзлари ривоят қилинган. Журайж обид эди, олим эмасди. Олим обиддан устунлигига ушбу қисса ҳам далолат қилади.

Имом Нававий айтади: “Онасининг дуоси қабул қилинди. Чунки Журайж намозни қисқа қилиб, онасига жавоб бериши мумкин эди. Аммо у онасининг ибодатхонани ташлаб, дунё ишларига қайтишини талаб қилишидан кўрқиб, жавоб бермади”.

Ҳадисдан чиқадиган хулосалар:

Ота-онани ранжитиш, уларга оқ бўлиш жуда хатарли иш ва улкан гуноҳ экан;

Ота-онанинг фарзандига қилган дуоси тўсиқсиз қабул бўлади. Шу боис, фарзанд ота-онадан яхши дуо топиш пайдан бўлиши, Аллоҳ сақласин, ёмон дуо чиқишига сабабчиси бўлиб қолмаслиги керак. Чунки роҳиб Журайжнинг бошига шунча ташвишлар онасига итоатсизлиги туфайли келди.

Аллоҳ таоло Журайжнинг онаси қилган дуойибадини ижобат қилди. Демак, оналарнинг дуолари шунақа нозик даражада экан. Шунинг учун, оналар ҳам болаларининг ҳаққига ҳар хил салбий дуоларни қилиб юборишдан эҳтиёт бўлишлари керак;

* Ота-оналар фарзандларини имкон қадар тушунишга ҳаракат қилишлари ва раҳмдил бўлишлари керак. Журайжнинг онаси унинг ўлимини, бузуқлик тўрига тушиб қолишини талаб янада оғирроқ қарғаса бўларди. Лекин она буларни тилга олмади, фақатгина “Ёмон хотинларнинг юзини кўрмасдан ўлма!” деди.

* Журайж кучли эътиқод ва соғлом иймон эгаси эди. Шу боис, истагига мувофиқ, ғайриоддий воқеа содир бўлди – бешикдаги бола гапирди.

* Икки ишдан бирини танлашга тўғри келиб қолса, муҳимроғи олдин бажарилади.

* Валийлар каромат кўрсата оладилар. Бу уларнинг талаб ва истаклари билан ҳам амалга ошиши мумкин.

* Нафсининг чидашига ишонган одамгина ибодатнинг қийинини танласин.

- * Бузуклик қилганнинг ҳурмати қолмайди.
 - * Таҳорат ва намоз олдинги умматларда ҳам бор эди.
 - * Шунингдек, банда ҳар доим Аллоҳга юзланиб, боғланиб туриши лозим. Шунда Аллоҳ ҳам уни яккалаб қўймайди;
 - * Ҳар қандай замонда ҳам ёмонлар бўлган ва бўлади. Уларнинг ёмонликларидан эса иффатини сақлаган кишиларгина омонда қолади. Шундай экан мусулмон киши ҳар қадамда хушёр ва эҳтиёткор бўлиши керак;
 - * Аллоҳ бандаларини синаган пайтда чиройли сабр қилиб Раббиларидан яхшиликни сўрашлари лозим.
 - * Зулмкор аёл Журайжга тухмат қилганидек, фужур аҳли солиҳ инсонлар юзини булғашга ҳаракат қилиши.
 - * Қишлоқ аҳли фожир аёлнинг гапига ишонганларидек, ҳужжатсиз, далилсиз айтилган гумон гапга ишонишда шошилмаслик лозимлиги.
- Улар Журайжни обрўсини бузиб, уни уриб сўкишдан олдин аёлнинг гапини таҳқиқлашлари керак эди.
- * Солиҳ бандаларда Аллоҳга нисбатан яхши гумонда бўлиш, ишонч, собит қадамлик топилиши.
 - * Бало ва қайғу келганда намозга суяниш солиҳларнинг иши эканлиги.
 - * Аллоҳ банданинг тақвоси, яхши амали сабабли унга нажот бериши.
 - * Аллоҳ сағира болани гапиртириб Журайжни поклаганидек, гапиришга қодир бўлмаганларни ҳам гапиртириши.
 - * Журайж балоланганидан кейин сабри ва тақвоси сабабли инсонларнинг ҳузурида ҳам, Роббисининг ҳузурида ҳам инсонларнинг афзалига айланганидек, банда сабр қилса ва Роббисига тақво қилса балонинг оқибати яхшилик билан тугаши.

Манба: hadis.islom.uz



